

Тазкия дарслари (47-дарс). Одоб масаласини инсоният тарихида Ислом бошлаган



15:00 / 24.08.2019 5997

Бизнинг тилимизда «одоб» тарзида талаффуз қилинишига одатланиб қолинган арабча «адаб» сўзи аслида «маъдаба» ўзагидан олингандир. Маъдаба эса одамлар даъват қилинган зиёфатни англатади. Одоб ҳам одамлар доимо даъват қилинадиган маънавий «маъдаба» – зиёфат бўлгани учун шу номни олган.

Абу Муҳаммад ўзларининг «Китобул Воъий» номли асарларида:

«Одоб одамларни мақталган нарсаларга чақиргани учун «одоб» деб номланган», дейдилар.

Абу Зайд раҳматуллоҳи алайҳи:

«Одоб фазилатлардан бирига элтувчи яхши уринишга ишлатиладиган исмдир», деганлар.

Одобнинг таърифида қуйидагига ўхшаш гаплар ҳам келган:

«Мақтовга сазовор сўз ва амални истеъмол қилиш одобдир»;

«Карамли ахлоқларни ушлаш одобдир»;

«Ўзингдан каттани улуғлаб, ўзингдан кичикка меҳр кўрсатишинг одобдир».

Бу ва бунга ўхшаш барча таърифлар тўпланганда, Исломда кўзланган «одоб» таърифи юзага келади.

Ҳозирги кунда Ғарб маданиятига тобелик таъсирида «одоб»ни «маданият» дейиш ҳам жорий бўлган. Мисол учун, «овқатланиш одоби» дейиш ўрнига «овқатланиш маданияти» дейилади.

Одоб масаласини инсоният тарихида тўлақонли равишда **Ислом** бошлаган, десак, муболаға бўлмайди. Исломда кишининг ҳаётидаги ҳар бир нарсанинг ўз одоби бор. Дунёдаги одобга бағишланган китобларнинг асосини ва кўпчилигини Ислом халқлари вакиллари томонидан ёзилган асарлар ташкил этади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларини жамловчи китобларимизнинг ҳар бирида «Китобул адаб» номли ички китоблар бор. Уларда одобга оид ҳадиси шарифлар келтирилади.

Бундан ташқари, муҳаддисларимиз одобга бағишланган алоҳида китоблар ҳам таълиф қилганлар. Бунга мисол қилиб, буюк ватандошимиз, мўминларнинг ҳадис бўйича амири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий раҳматуллоҳи алайҳининг «Ал-адаб ал-муфрад» китобини келтириш мумкин.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг шоҳ асарлари «Жомеъус-саҳиҳ»да «Китобул адаб»га ўрин берганларига қарамай, бу масалани ўта аҳамиятли билганлари учун, алоҳида китоб ҳам таълиф қилишга ўтганлар. У киши «Ал-адаб ал-муфрад» китобида турли одобларга оид бир минг уч юз йигирма иккита ҳадиси шарифни олти юз қирқ тўрт бобда келтирганлар.

Бу масала бўйича мусулмон адиблар ҳам кўплаб асарлар битганлар. Уларнинг ичида энг машҳурларидан бири имом Мовардийнинг «Адабуд-

дунё вад-дин» китобидир.

«Ахлоқ» сўзи «хулқ» сўзининг кўплиги бўлиб, инсонда шаклланадиган хулқ-атвори билдиради.

Баъзи **уламолар** ахлоқни «ироданинг одати» деб таъриф қилганлар. Яъни ирода ўзига бир нарсани одат қилиб олса, ўша хулққа айланган бўлади. Мисол учун, кишининг иродаси бировларга хайр-эҳсон қилишга азму қарорли бўлиб қолса, ана шу «карамли хулқ» дейилади.

Қадимдан ахлоқ илми уламолари «Одамдаги ахлоқлар унинг яратилишида қўшиб яратилган бўладими ёки киши ахлоқни кейин ўрганадими?» деган саволга жавоб беришда ихтилоф қилишган. Улардан баъзилари: «Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, ахлоқ инсон яратилган чоғида қўшиб яратилади. Ахлоқни кейин касб қилиб бўлмайди», деганлар. Бошқа бир гуруҳ ахлоқ илми уламолари эса: «Инсон туғилганда ҳеч қандай фазилат ёки разилатсиз туғилади. Унда қандай хислат бўлса, туғилганидан кейин пайдо бўлади», деганлар.

Мусулмон ахлоқ илми уламолари эса: «Инсонга ота-онасида бор баъзи ахлоқларнинг хамиртуруши онасининг қорнида ҳомила ҳолатида ётгандаёқ ўтади. Аллоҳ таоло бандани халқ қилиш чоғида унда ахлоқ қобилятини қўшиб яратади. Инсон туғилиб-ўсиши жараёнида тарбия, муҳит ва одатланиш оқибатида у ёки бу ахлоқни ўзида ривожлантиради ёки йўқотиб юборади», дейдилар.

Бизнинг боболаримиз яхшилик ва ахлоқнинг ҳақиқати нима эканини тўлиқ маънода Исломдан билганлар. Улар Аллоҳ таолонинг охириги ва мукамал дини, макоримул ахлоқлар дини бўлган Ислом дини орқали яхшилик ва ҳусни хулқни ўзларига касб қилганлар. Ўзлари бундай улуғ неъматлардан баҳраманд бўлганлари билан бир қаторда, ўзгаларга ҳам бу каби яхшиликлар етишини истаганлар. Шунинг учун боболаримиздан баъзилари яхшилик ва ахлоқ бобида ўлмас асарлар битганлар. Уларнинг бу асарлари жаҳон адабиётининг дурдоналарига айланган.

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан